


ОЗОДА ТОЖИБОЕВА



“ХАМСА”
ТАЛҚИНЛАРИДА
ДАВР РУҲИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ОЗОДА ТОЖИБОЕВА

**“ХАМСА” ТАЛҚИНЛАРИДА
ДАВР РУҲИ**

монография

«Тамaddon»
Тошкент
2015

УЎК: 821.222.8(075)

КБК 83.3(5Ў)

T60

Тожибоева, Озода.

“Хамса” талқинларида давр руҳи: монография/О.Тожибоева.
—Тошкент: “Тамаддун”, 2015. —164 б.

КБК 83.3(5Ў)

Ўзбек адабиётида XVIII—XIX асрларга келиб Алишер Навоий “Хамса” достонининг турли қиссалар ҳолидаги насрий вариантлари ижод этилди ва халқ орасида кенг тарқалди. Ўзбекистонда тошбосма матбаалар фаолият юрита бошлаши билан Навоий ижодини тарғиб ва ташвиқ этиш доираси янада кенгайди. Тошбосма матбааларда мумтоз асарларни таҳрир қилиб, ўз маблағи ҳисобига нашр эттириш билан шуғулланган тошкентлик ношир Мир Махдум ибн Шоҳюнус “Хамса” достонидан тўрттасининг изоҳловчи насрий баёнини ишлаб чиқарди ва суратлар билан безатган ҳолда нашр эттиради.

Ушбу монографияда мазкур насрий баён ҳақида тўлиқ маълумот берилади, аслиятга қиёсланиб таҳлил қилинади. Шу билан биргалликда, XX аср бошларидаги адабий муҳит, давр ва бадий асарларга бўлган эҳтиёж, талаб, китобхонлар диди-савиясига кўра “Хамса” достонининг насрийлаштирилиши каби масалалар ёритилади.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори, профессор
Ҳамиджон Ҳомидий

Тақризчилар:

филология фанлари доктори, профессор
Боқижон Тухлиев.

филология фанлари номзоди
Жалолиддин Жураев.

филология фанлари номзоди
Шаҳноза Эргашева

Низомий номидаги ТДПУ Кенгаши (19 декабрь 2013, Баён-
нома № 7) томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-4520-2-2

© «Тамаддун», 2015

МУҚАДДИМА

Алишер Навоий ижодини ўрганиш, унинг асарларида тараннум этилган юксак гоёларни халқимиз орасида тарғиб қилиш ҳамма даврларда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Навоий ижодидан илҳом олиб яратилган, бугунги кунда тарих қатларида ўз тадқиқотчиларини кутиб ётган қўлёзма ва тошбосма асарларнинг ўрганилиб, кенг халқ оммасига тақдим этилиши, авваламбор, Навоий ижодининг адабиётимизни, маънавиятимизни юксалтиришдаги даврларга, асарларга кўрсатган беқиёс таъсир кучини намоён этади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: “Она тилимизга муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онг-шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қурулга эга бўламиз”¹. Дарҳақиқат, Навоийнинг ҳар бир асари бу йўлда биз учун дастуруламал вазифасини ўтайди.

Алишер Навоийнинг ижодий меросида “Хамса” достони алоҳида мавқега эга бўлиб, ўз замонасидаёқ илм-фан аҳли орасида кенг шуҳрат қозонган эди. Шунинг учун бу асар Хуросон ва Мовароуннаҳр шаҳрларида кўп марта қайта-қайта кўчирилди, қўлёзма ҳолида тарқалди. Юртимиз ҳудудида тошбосма матбуатлар очилиши билан, Навоий асарлари янада кўплаб нон этила бошланди. Ҳар бир қўлёзма ва тошбосма асарлар халқ орасига кенгроқ тарқалиб, кишиларнинг

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2010. –Б.17.